

288 - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِذَا دَعَا الرَّجُلُ امْرَأَتَهُ إِلَى فِرَاشِهِ فَلَمْ تَأْتِهِ، فَبَاتَ غَضْبَانَ عَلَيْهَا لَعْنَتُهَا الْمَلَائِكَةُ حَتَّى تُصْبِحَ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ. [خ 3237، م 1436/122].

وَفِي رِوَايَةٍ لَهُمَا: «إِذَا بَاتَتِ الْمَرْأَةُ هَاجِرَةً فِرَاشَ زَوْجِهَا لَعْنَتُهَا الْمَلَائِكَةُ حَتَّى تُصْبِحَ». [خ 5194، م 1436].

وَفِي رِوَايَةٍ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «وَالَّذِي تَفْسِي بِيَدِهِ؛ مَا مِنْ رَجُلٍ يَدْعُو امْرَأَتَهُ إِلَى فِرَاشِهَا فَتَأْتِي عَلَيْهِ إِلَّا كَانَ الَّذِي فِي السَّمَاءِ سَاطِئًا عَلَيْهَا حَتَّى يَرْضَى عَنْهَا». [م 1436/121].

288. Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: **«Эр ўз аёлини тўшагига чақирсаю, у келишга кўнмаса ва аёл (эри) ундан ғазабланган ҳолда тунаса, фаришталар уни тонг отгунча лаънатлайдилар», дедилар».**

Муттафақун алайҳ.

Икковларидан қилинган бошқа бир ривоятда:

«Агар аёл эрининг тўшагини тарк этган ҳолида тунаса, то кайтмагунича фаришталар уни лаънатлайдилар», дейилган.

Яна бошқа бир ривоятда келтирилишича, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, эркак аёлини тўшагига чақирсаю, у бош тортса, бу ундан рози бўлмагунича осмондаги Зот ундан ғазабнок бўлади»», дедилар.

Шарҳ: Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Эй расулуллоҳ, қайси аёл яхшидир?» деб сўрадилар. У зот соллаллоху алайҳи ва саллам: “Қараганигда хурсанд қиладиган, буюрганигда итоат қиладиган, нафси ва молида эри ёмон кўрадиган нарсага қаршилик қилмайдиган, яъни эри нимани яхши кўрса яхши кўриб, ёмон кўрган нарчасини ёмон кўрган аёлдир” дедилар». Аммо ҳадисдаги Пайғамбар алайҳиссаломнинг “қараганда хурсанд қиладиган” деган сўзлари бу эркакнинг иффати учундир. Чунки аёл киши гўзал бўлса, бу эркак кишининг динига ва иффатига ёрдам бўлади. Аёлда гўзаллик бўлса эри бошқа аёлларга қарамайди ва бошқа аёлларга эҳтиёж сезмайди. Бу борада сўзимизнинг исботи учун Закариё алайҳиссаломдан ҳикоя келтирамиз.

Юнус ибн Убайд айтади: «Бир подшоҳ ўз мамлакат аҳолисига зулм қилар эди, аҳоли уни ўлдиришга қарор қилди. Ва айтдиларки, орамизда Закариё алайҳиссалом ҳам бор, унинг олдига борайлик, у билан маслаҳатлашайлик. Унинг уйига бордилар, қарасалар уйдан жуда чиройли аёл чиқиб келди, жамоат ундан “Сиз ким бўласиз?” деб сўради. Аёл: “мен Закариёнинг аёлиман” деб жавоб берди. Улар ўзаро “биз Аллоҳнинг пайғамбарини дунёга майл қилмайдиган деб ўйлар эканмиз, ваҳоланки у жуда чиройли аёлга уйланган экан” дедилар ва аёлдан: “Закариё қаерда?” деб сўрашди. Аёл: “У киши фалончининг ҳовлисига кетганлар”, деди. Кейин улар Закариё алайҳиссалом ишлаб турган жойга бордилар. Закариё алайҳиссалом ишлаб турган эдилар. У кишига икки нон миқдоридеги тушлик олиб келинганида жамоатни таклиф ҳам қилмай тановул қилдилар. Сўнг туриб ишларининг қолганини бажардилар. Ишни тугатгач, елкаларига этик, белкурак ва кийимларини илдилар. Сўнг келган жамоатга юзланиб: “Нима юмуш билан келдингиз?” дедилар. Улар: “Биз бир юмуш билан келган эдик, аммо кўрган нарсамиз бизга юмушимиздан ҳам қизиқроқ бўлиб қолди”, дедилар. Закариё алайҳиссалом: “Нима экан у?” деди. Кейин жамоат: “Биз Сизнинг уйингизга бордик, у ерда бир гўзал аёлни кўрдик, биз пайғамбар дунёга қизиқмайдиган киши деб билар эдик”, дейишди. Шунда Закариё алайҳиссалом: “Дарҳақиқат, мен кўзимни ва фаржимни номаҳрамлардан сақлаш учун чиройли бир аёлга уйланганман”, деб уларнинг саволига жавоб бердилар. Улар яна: “Биз Сизни таомга яқинлашганингизни ва уни бизни таклиф этмай тановул қилганингизни кўриб ҳайрон бўлдик”, дейишди. “Бир қавм мени ишга ёллаган эди, мен шу ишга кучим етмай қолишидан кўрқдим ва ёнимдаги таомнинг барчасини едим, агар сиз билан баҳам кўрганимда менга ҳам сизга ҳам кифоя қилмас эди”, деди. Улар: “Биз Сизни этигингизни, белкурак ва кийимларингизни елкангизга илиб олганингизни кўрдик”, деди. Закариё алайҳиссалом: “Мана бу ер янги ер экан. Бу ернинг

тупроғини бошқа ерга ташиб боришни хоҳламадим, яъни этигимга ёпишиб кетиб қолишни хоҳламадим”, деб уларнинг саволларига жавоб бердилар. “Подшоҳ бизга жуда кўп зулм қилмоқда, биз уни ўлдиришни режа қилдик”, дедилар. Шунда Закариё алайҳиссалом: “Сизлар қандай қавмсизлар, бундай қилманглар. Бир тоғни жойидан кўзғатиш бир вазифага юклатилган подшоҳни вазифасидан олиб ташлашдан енгилроқдир”, дедилар».

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ойша аёллар ичида худди таомлар орасида сарид кабидир”, дедилар. Сарид – бу араблардаги энг тўйимли таомдир. Бу пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўхшатишдир. Албатта саридни еган киши бошқа таомларга ҳожат сезмайди. Сариднинг ўрнини бирор бир таом боса олмайди. Бу биз айтиб ўтган бир кўринишдир, бошқа бир жиҳатдан эса албатта Аллоҳ таоло эрларга аёллар борасида мажбуриятлар юклаган. Аёлларнинг шаъни, ҳурмати Қуръони каримнинг бир неча жойида зикр қилинган. Аллоҳ жалла зикруҳу Бақара сурасининг 229-оятда: “Уларни чиройли ҳолатда ушлаб туринг ёки чиройли ҳолатда қўйиб юборинг”, дейди. Аллоҳ таоло Нисо сурасининг 36-оятда ёнбошларидеги соҳиб-дўстга, яъни аёлига яхшилик қилишни айтиб, аёлларга яхшилик қилиш ва улар билан чиройли ҳолатда яшашни буюрган.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинади. У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккани фатҳ қилган куни хутба қилиб айтдиларки:

“...Аёлларга яхши муомалада бўлинг. Зеро, улар сизнинг измингиздаги ўзлари учун ҳеч нарсага эга бўлмаган асиралардир. Бунинг устига, сизлар уларни Аллоҳнинг омонати сифатида қабул қилиб олдингиз. Уларнинг фаржлари сизларга Аллоҳнинг калимаси билан ҳалол бўлди. Ақлингизни ишлатинг!”, яъни улар билан чиройли яшаш, ҳақларини адо қилишда Аллоҳдан кўрқинг. Аллоҳ кимга ўзининг кўнглидагидек аёлни берган бўлса, бу унга чиройли яшаш ва ҳақларини адо этишга кўмак бўлади. Чунки нафс бир нарсани хоҳласа, кўнгил шунга мойил бўлади, доим ўша нарса томонга талпинади, қизиқади ва яна қалби Аллоҳнинг ана шу ҳақдаги буйруғини бажаришга мойил бўлади. Уларнинг (эр-хотиннинг) ишлари доим иттифоқда бўлади, бир-бири билан ўзаро тараддуд ва тортишувга бормайди. Мана шу пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг “қараганда хурсанд қиладигани” деган сўзларининг тафсиридир.

Аммо пайғамбар алайҳиссаломнинг “буюрганингда итоат қиладигани” деганлари, дарҳақиқат эркак кишининг аёлига вожиб қилган буйруғи жуда ҳам эътиборлидир, уни бажариши керак. Аёл киши эрининг рухсатисиз кўчага чиқмаслиги, эрининг рухсатисиз бошқа уйларга кирмаслиги керак, илло маҳрами бўлса мумкин. Бошқа эркаклар билан эрининг рухсатисиз гаплашмаслиги керак, яқин маҳрами бўлса, мумкин. Эрининг аёлига эҳтиёжи тушганида уни тўсмаслик, лаббай деб жавоб қайтаришлик. Аёл бу нарсани хоҳлайдими ёки хоҳламайдими эрининг ҳожати тушганида унга лаббай деб жавоб бериши, бу унга енгил

бўладими ё оғир бўладими, барибир унинг чақириқларига жавоб бериши Аллоҳ таоло эрларга бериб қўйган ҳуқуқларидандир. Зеро эр аёл кишига таскин топиш, нопокликлардан ўзини тийиш учун уйланган. Агар бирор қаршилик сабаб аёл эрининг ҳожати тушган вақтда уни қайтарса, уни ман қилса, дарҳақиқат эрини ҳалокатга йўллаган бўлади. Баъзан бу бош тортиш фитнага ёки бир қийинчилик, маҳзунлик ва шармандаликка сабаб бўлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинади: У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: “Аёл киши эридан ўзини ман қилмасин, гарчи тандирнинг бошида турган бўлса ҳам”.

Яна бир бошқа ҳадисда: “Қотобда бўлса ҳам” дейилган. (Қотоб – аёллар кўзи ёрийдиган вақтда ўтирадиган курсига ўхшаш мослама. Чўлдаги қабилалар аёллари кўзи ёрийдиган вақтда қотобнинг устига ўтиргизилар, қотобнинг остидан болаларини олишар эди. “Ҳатто ўша жиҳознинг устида ўтирган бўлса ҳам эрини эҳтиёжидан тўсмасин”, яъни кўзи ёрийдиган ҳолатда ҳам ман этмасин.

Ибн Аби Кавшадан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан ўтирган эдик, олдимиздан бираёл ўтиб кетди, шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўринларидан туриб уйларига кириб кетдилар ва бир оздан кейин олдимизга ғулнинг аломатлари кўриниб турган ҳолатда қайтиб келдилар, биз: “Ё Расулуллоҳ, бирор бир ҳолат бўлиб ўтдимиз, деб сўрадик, шунда у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Ёнимдан бир аёл ўтиб кетди, шунда кўнглимга аёлларнинг шаҳвати тушди, аҳлимнинг бирига бордим-да, шаҳватимни қондириб келдим, сизлар ҳам шундай қилинглар, чунки бу қиладиган ишларингизнинг энг яхшисидир”, дедилар».

Аmmo Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисдаги “нафси ва молида эри ёмон кўрган нарсага қаршилик қилмайди”, деган сўзлари, яъни аёл эри ўзида ва молида нимани яхши кўрса ана шуни бажаради, гарчи бу ўзига малол келса ҳам эрини хурсанд қилиш учун шу ишни бажаради. Бу эрининг ишларида ёрдам бўлади, модомики гуноҳ бўлмаса. Чунки аёл эри билан чиройли яшашлиги унга ёрдамлашишдир ва эри билан чиройли умргузаронликда яшаши эрининг истаклари учун ўзининг хоҳишларини тарк этишидандир, худди шундай “молида ҳам”, дедилар.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан: «Бир аёл Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб, эрим Аллоҳнинг йўлида ғазавотга кетган эди. Менга уйдан чиқмасликни буюриб кетган, лекин отам касал бўлиб қолди”, деди. Расулуллоҳ: “Уйингга боргин ва эрингнинг измидан чиқмагин”, дедилар. Бир оз вақтдан кейин аёл яна келди ва: “Отам вафот этдилар”, деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам)турдилар ва аёлнинг отасини уйига бориб жаноза ўқидилар. Жаноза намозини тугатгач: “Эй аёл, билгинки, албатта Аллоҳ сен эрингга итоат қилганинг учун отангни мағфират қилди”, дедилар».

Анас ибн Молик розияллоху анхудан келган бошқа бир ривоятда эса: «Бир киши ғазотга кетди ва аёлига уйнинг тепасидан (яъни юқориги қаватидан) тушмасликни буюрди, аёлнинг отаси уйнинг пастки қаватида яшар эди. Баногоҳ аёлнинг отаси касал бўлиб қолди, аёл Расулуллоҳга бир кишини ушбу ҳолат ҳақида хабар қилиш ва маслаҳат учун жўнатди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: “Аёлга етказинглар, Аллоҳдан кўрқсин ва эрига итоат этсин”, дедилар. Бир оз вақтдан сўнг аёлнинг отаси вафот этди ва аёл яна Расулуллоҳга одам юборди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам яна илгаригидек жавоб бердилар, сўнг уйларида чиқиб, аёлнинг отасини жанозасига бордилар ва аёлга: “Сен эрингга итоат қилганинг учун Аллоҳ отангни мағфират қилди, деб хабар беринглар”, дедилар».

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: “Дунёда бандага бериладиган энг яхши нарса унинг имонига кўмак берадиган мўмина аёлдир”.

Луқмон розияллоху анхудан ҳикоя қилинади, у киши ўғилларига шундай деди: “Солиҳа аёл худди подшоҳнинг бошидаги тож кабидир, ёмон аёл худди қари чолнинг орқасига юкланган оғир юк кабидир”.

Ушбу ҳадисда мазкур ишда эрига итоат этмаган аёлга фаришталар тонг отгунча лаънат айтиб чиқишлари ҳам бежиз таъкидланган эмас. Фаришталар унча-мунча нарсаган лаънат айтавермайдилар. Бу маънони ва ҳақни ҳар бир шахс яхши тушуниб олиши, унга амал қилиши лозим.

Манба: hadis.islom.uz

